

«Яланғоч» жоме масжидида Қуръони карим хатмонаси яқунланди



14:00 / 30.05.2019 1657

Кеча 2019 йил 29 май куни Тошкент вилояти «Яланғоч ота» жоме масжидида Қуръони карим хатмонаси ўз яқунига етди. Ушбу хатмонага юртимизнинг барча ҳудудларидан азиз меҳмонлар ташриф буюрди. Хусусан, Тошкент шаҳар Учтепа тумани «Ҳазрати Али» жоме масжиди имом хатиби Салоҳиддин домла Шарипов, Тошкент вилояти бош имом хатиби Хайруллоҳ домла Турматов Қуръонга бўлган муҳаббат, хатмонада қилинаётган дуоларнинг ижобат бўлиши каби ўзларининг мавъизалари билан кўнгилларни хушнуд этишди.

Қуръон хатмонасидан сўнг, домлаларимиз томонидан Рамазон ойининг муборак кечаларида, кейинги Рамазон ойларига соғ-саломат, тинчлик-хотиржамликда етиб боришимизни Аллоҳ таолодан сўраб дуои-хайрлар қилишди.

Бинобарин, Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу айтадиларки, «Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кимки Рамазонда Аллоҳни зикр қилса авф қилинади ва Ундан сўраса ноумид қайтарилмайди, деганлар».







ISLOM.UZ



ISLOM.UZ



